ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: Ж. Жиакомеллини қабул қилиш пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 май куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Бош котиби ўринбосари БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича дастури ижро этувчи директори Жиоржио Жиакомеллини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича дастури дунё миқёсида кенг фаолият юритаётгани, жумладан, Ўзбекистонда ҳам гиёҳвандликка қарши кураш борасида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этаётганини таъкидлади.

Учрашувда Марказий Осиёни қорадори маҳсулотлари олиб ўтиладиган ҳудудга айланишига йўл қўймаслик, минтақада наркобизнес кучайишининг олдини олишда БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича дастури билан ўзаро куч ва ғайратларни бирлаштиргандагина муваффақиятли курашиш мумкинлиги қайд этилди. Шунингдек, мазкур халқаро ташкилот билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Қабулда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Филиппин Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Самуэл Рамел 3 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Президент Ислом Каримов элчини юртимизга ташрифи ва шарафли хизмат вазифасини бажаришга киришгани билан қутлади. Осиё минтақасидаги икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши Ўзбекистон ва Филиппин халқи манфаатларига хизмат қилишини таъкидлар экан, элчининг бу муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятига муваффақият тилади.

Элчи Президент Ислом Каримовга Филиппин давлати ва халқи тарихи ҳақида сўзлаб берди ҳамда ўз мамлакати Марказий Осиёда муҳим ўрин тутган, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори эканини қайд этди.

***

Шу куни Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ботирали Сидиқов ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Ислом Каримов элчини юксак ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлаб, Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, ўзаро дўст ва ҳамкор бўлиб келганини қайд этди. Юртбошимиз истиқлолни қўлга киритган икки мустақил давлат ўзаро муносабатларни янги ҳуқуқий асосда мустаҳкамлаш йўлидан бораётганини мамнуният билан таъкидлар экан, элчининг халқларимиз қардошлик ришталарини мустаҳкамлашда муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Элчи Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги тобора ривожланиб бораётган икки томонлама ва Марказий Осиё ягона иқтисодий ҳудуди доирасидаги ҳамкорлик муносабатлари азалдан қардош халқларимиз манфаатларига хизмат қилишини айтди. Шарафли ва айни пайтда масъулиятли элчилик фаолиятини Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратишини таъкидлади.

***

Норвегия Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Пер Тресселт ҳам 3 май куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Ўзбекистон раҳбари Пер Тресселтнинг элчи этиб тайинланиши Ўзбекистон билан Норвегия Қироллиги ўртасидаги муносабатлар ривожига кучли туртки беришини таъкидлади. Элчининг ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мустаҳкамланиш йўлидаги унинг фаолиятида муваффақият тилади.

Пер Тресселт Ўзбекистон Президентига Норвегия Қиролининг саломини ва икки мамлакат ўртасида ўрнатилган дипломатия муносабатлари ривожланаётганидан мамнуниятини етказди. Элчилик фаолиятида Норвегия ва Ўзбекистон халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш ниятида эканини айтди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 4 май, шанба № 54 (21.975).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мусулмон уммати нишонлаётган Қурбон ҳайити кунларида Сиз жаноби олийларига самимий табрик юборишдан беҳад бахтлиман.

Аллоҳ азза ва жалла сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар халқингизга ва барча мусулмонларга хайр, барака ва эзгулик ато этсин.

Байрамингиз муборак бўлсин.

Биродарингиз
Муҳаммад Ҳусни МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қутлуғ Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларини, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқини Эрон давлати ва мусулмон халқи номидан самимий қутлайман.

Ислом динининг ушбу улуғвор байрами шарофати ва баракати ҳамда барча мусулмон халқлари ва давлатлари ҳамкорлиги, саъй-ҳаракатлари туфайли жаҳон мусулмонлари ўртасидаги биродарлик ва ўзаро англашув ришталари мустаҳкамланиб, Ислом дини душманларининг орага нифоқ солувчи фитналари уларнинг бирдамлиги ва якдиллигига раҳна сола олмайди, деб умид қиламан.

Яратган буюк Эгамдан сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига юксалиш ва фаровонлик тилаб қоламан.

Акбар Ҳошимий РАФСАНЖОНИЙ,
Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВга Чернобиль фалокатининг 10 йиллигига бағишланган йиғилиш қатнашчилари

МУРОЖААТИ

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз, Чернобиль АЭСда рўй берган авария оқибатини тугатишда иштирок этганлар бу фожиали фалокатнинг 10 йиллиги муносабати билан тупланиб Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни юксак азму қарор ва кутаринки руҳ ила қуллаб-қувватлаймиз.

Чернобиль фалокати бебош радиация ношуд ва масъулиятсиз одамлар қўлида қанчалик хатарли эканлигини кўрсатди. Бу фожиа миллионлаб оилаларга зиён ва қайғу келтирди. Ун йил ўтгандан сўнг ҳам бу фалокат мустақил давлатлар мамлакатлари халқлари келтирган иқтисодий ва ижтимоий зарарни ҳисоблаб чиқиш мушкул.

Биз, Чернобиль оқибатлари ўзимиз ва оиламизга қандай уқубатлар келтирганини бошқалардан кўра кўпроқ тушунган ҳолда Ўзбекистон ҳукуматининг ёрдами ва мададини муттасил ҳис қилиб турибмиз.

Республика раҳбарияти мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамай МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Чернобиль фалокати ногиронлари ва қатнашчиларини ижтимоий қуллаб-қувватлаш бўйича амалий чоралар кўрди ва бугунги кунда шу мақсадга катта маблағ йўналтиряпти.

Ғамхўрлик учун самимий миннатдорчилик билдирар эканмиз, ҳуқуқий, чинакам демократик жамият қуришдек эзгу ишда Сизга катта муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсиз.

Наманган:

МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА ЖЎНАТИЛМОҚДА

«Наманган консерва» агрофирмаси бу йил вилоят хўжаликлари ва аҳолидан 31 минг 500 тонна сабзавот, 5150 тонна мева сотиб олишга шартнома тузган. Бу ўтган йилда тайёрланган маҳсулотдан чорак баравар кўп.

Агрофирманинг шериклари эса нуфузли, амалда синаб кўрилган. Ўтган йили агрофирма ходимлари 2 минг тоннадан ортиқ помидор пастаси ва олма шарбатини Швейцария, Германия ва Италияга жўнатишди. Бу йил хорижий шерикларга тағин ҳам кўпроқ маҳсулот етказиб берилиши керак.

ҒАЗАЛ ВА МУСИҚА КЕЧАСИ

Вилоят ҳокими қарорига мувофиқ, май ойининг учинчи якшанбасида Наманган шаҳрининг хушманзара боғларидан бирида машҳур ўзбек шоири Машраб хотирасига бағишланган анъанавий ғазалхонлик оқшоми бўлади.

Байрам дастури бўйича ғазал ва мусиқа кечаси ҳамда бошқа тадбирлар ўтказилади. Бу йилги машрабхонликнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унга бир қанча хайрия тадбирлари уланиб кетади. Жумладан, камхарж оилалардан юзга яқинига никоҳ тўйлари ўтказишга ёрдам кўрсатилиб, қаровсиз қолган 150 нафар гўдакнинг ҳар бирига 500 сўмлик омонат дафтарчалари берилади.

«ҲАВАС» ИБРАТГА ЧОРЛАЙДИ

Душанба куни анъанавий «Ҳавас» теннис мусобақаси бошланади

Юртимизда спортнинг бу турига катта аҳамият берилиши ҳам бежиз эмас. «Ҳавас» теннисга ихлос қўйганлар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилгусидир. Мусобақа арафасида мухбиримиз унинг ташкилий қўмитаси аъзолари билан суҳбатлашди.

Мираброр УСМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари:

— Истиқлол нафасидан баҳраманд бўлганимизга беш йил бўляпти. Бу тарих учун қисқа давр, лекин шу йиллар мобайнида юртпарвар Президентимиз саъй-ҳаракатларию ташаббуслари билан эсда қоладиган хайрли тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Бундай савобли ишлар сирасига жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш ҳам киради. Боиси, халқимиз қанчалик соғлом бўлса теран фикр юритиш, ижод қилиш ва баракали меҳнатга катта йўл очилади. Бу борада жаҳон миқёсида ҳаммабоп бўлиб қолган теннисининг аҳамияти катта. Чунки, майдонга тушган киши ўзини эркин ҳис қилиши, саломатлиги ҳақида қайғураётганини сезиб туриши муҳимдир. Юртбошимиз ташаббуси билан бошланаётган «Ҳавас» мусобақасини ўтказишдан мақсад ҳам одамларда теннисга ихлос уйғотиш, нуфузли лавозимларни эгаллаб турган раҳбарларни кичик тўпни қўлга олиб, ибрат кўрсатишга чорлашдан иборат. Ўзим ҳам ана шундай эзгу хаёллар билан майдонга тушиш ниятидаман. Гап ютиш ёки бой беришда эмас, балки теннисни ўзига хос тарғиб қилиб, оммани спортнинг шу турига қизиқтиришда.

Козим ТЎЛАГАНОВ, Тошкент шаҳар ҳокими:

— Мустақилликнинг беш йиллигини муносиб нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилаётган айни кунларда пойтахтимиз қиёфаси янада ўзгариб, чирой очмоқда. Қутлуғ байрамга муносиб туҳфа қилиш учун олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари авжида. Зеро, шаҳримизни ободонлаштириш, бозоримизни маҳсулотлар билан тўлдириш учун астойдил меҳнат қилаётганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шароитлар яратишга ҳам эътибор қилинмоқда. Маълумки, халқимиз футболсевар. Шаҳардаги йирик ўйингоҳлар жаҳон талабларига мос равишда қайта таъмирланди. «Пахтакор» ўйингоҳи эса халқаро мусобақаларга мосланмоқда.

Кўпчиликка маъқул бўлиб қолган спортнинг теннис турини оммалаштиришга ҳам диққатни қаратганмиз. «Юнусобод», «Динамо», «Пахтакор», «Хадра» каби теннис кошоналари шаҳарликлар ихтиёрида. Сирасини айтганда, баъзилар саломатлигини мустаҳкамлаш учун кўчага чиқиб лўкиллашни ёки велосипед минишни ўзига эп билмайди. Кўпроқ пиёда юриш эса вақтни ўғирлайди. Шу жиҳатдан қараганда теннисда мураккаб ҳаракатлар мажмуи бор, десак бўлади. Муҳими, чигил ёзилади, қон юришади. Кайфият созланиб, меҳнатда барака бўлади. Бундан ташқари спортда оммавийлик бўлса, маҳоратли йигит-қизлар ҳам юзага келиши табиий. Спорт эса дунёга танилиш омили саналади. Шунинг учун ҳам «Ҳавас» мусобақаси ташкил этилишига қувонарли ҳол, деб қараш керак. Вақти келиб минглаб шаҳарликлар теннис майдонларида ғужғон ўйнасалар, ажабмас. Ниятимиз элимиз соғлиғи ҳақида қайғуриб, саодатли келажак сари собит қадам ташлашдир.

Суҳбатдош: Ҳайдар НОСИРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

(«Ҳавас» мусобақасига бағишланган суҳбатнинг давомини 3-саҳифада ўқинг).

Матбуот конференцияси

Кеча республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида «Ҳавас» анъанавий теннис мусобақасини ўтказишга бағишланган матбуот конференцияси бўлди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, мусобақа ташкилий қўмитаси раиси Шавкат Каримов бошқарди. «Ҳавас» ўзига хос теннис

КИЧИК ТЎП ОШУФТАЛАРИ

байрамига айланади. Мақсад теннис ошуфталари сафини кенгайтириш, оммавийликни таъминлаш, соғлом авлодни шакллантиришдир. Бундай мусобақа биринчи маротаба ўтказилмоқда ва анъанавий бўлиб қолади.

«Ҳавас» соврини учун баҳсда республика раҳбар ходимларидан 64 нафари иштирок этиши кўзда тутиляпти. Мусобақа 6 май куни «Динамо» теннис саройида бошланади. Икки кун давомида кучлилар сараланиб, 8 майда финал ўйинлари бўлади. Ғолибларни эсдалик совғалари кутмоқда.

Йиғилишда «Ҳавас» анъанавий теннис мусобақасининг бош ҳаками Генрих Дашевский ва бошқалар журналистларнинг саволларига жавоб беришди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

САЙЛОВНИНГ ИККИНЧИ ТУРИ БОШЛАНДИ

Ҳиндистонда мамлакат олий органи — парламентига сайловнинг иккинчи тури бошланди. Утган пайшанба куни мамлакатнинг 15 та штатида бундай сайловлар ўтказилди. Бу сайловларда Ҳиндистондаги 825 миллион аҳолидан 590 миллиони иштирок этади.

СОБИҚ ЖОСУС ОЗОДЛИККА ЧИҚАРИЛДИ

Йоханесбургда Америка Қўшма Штатлари томонидан қилирилаётган Буюк британиялик собиқ жосус қамоқдан озод этилди. Пол Грошеп исмли ушбу жосус Жанубий Африка ҳукумати томонидан утган йил декабрь ойида қўлга олиниб, унга бир неча айбловлар қўйилганди. Бироқ, пайшанба куни бўлиб утган суд жараёнида асосли айбномалар бўлмаганлиги учун Пол Грошеп қамоқхонадан озодликка чиқарилди.

ДОЛЛАР ҚИЙМАТИ ОШДИ

Утган чоршанба куни АҚШ доллари инглиз фунтига нисбатан кескин ошиб кетди. Аммо, немис маркаси ва Япония йенига нисбатан кутарилиш кам бўлди. Фунт стерлинг сешанба куни кузатилган 1s-1,5064дан чоршанба куни 1,4926га тушди.

САРҲИСОБ ҚИЛИНМОҚДА

Ҳиндистонда бўлиб ўтган сайлов натижалари сарҳисоб қилинмоқда. Сайлов варақалари ташланган қутиларни полиция қўриқлаётир. Умумхалқ сайловлари натижасига кўра, Бош вазир Нарасимха Раонинг «ўз ўрнини бўшатиб бериши» кутилмоқда.

ҚАМОҚХОНАДАГИ ҚЎЗҒОЛОН

Канада хавфсизлик маҳкамаси хабарига кўра, ўтган жума куни қўзғолон кўтарган маҳбуслар Манитобадаги энг катта қамоқхонани ўз назорат доираларига олдилар ва бир қанча ўзларига ўхшаш маҳбусларга қаттиқ тан жароҳати етказдилар.

АКУЛАНИНГ БУЙРАГИ

АҚШдаги Жон Хонкинс тиббий муассасасида ўтказилган илмий тадқиқот хулосасига кўра, акула буйрагининг табиий таркиби инсон мияси касалликларига қарши яхши малҳам бўла олар экан.

АҚШ ДЕНГИЗЧИЛАРИ ФИЛИППИНДА

АҚШ ҳарбий денгиз кемалари машғулотлар ўтказиш учун Филиппин бандаргоҳида лангар ташлади. Тўртта кема таркибидаги 1500 нафар америкалик ҳарбий денгизчи Филиппин ҳарбий денгиз флоти қўшинлари билан ҳамкорликда ўқув машғулотлари ўтказади.

Расмий маълумотларга қараганда, 10 майдан бошлаб ҳар иккала қўшинлар денгиз ҳарбий ҳаракатлари вақтида кучли ўт очиш машғулотини ўташга киришади.

АҚШ ҳарбий қуролли кучлари жойлашадиган истеҳкомларни кенгайтириш учун Филиппин ҳукумати зарур чора-тадбирлар кўраяпти. Маълумки, 1992 йилда Филиппиндаги АҚШнинг сўнгги ҳарбий истеҳкоми ёпиб қўйилганди.

ШИМОЛИЙ ХИТОЙДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

Кеча Шимолий Хитойда Рихтер шкаласи бўйича 6,4 балли қаттиқ ер силкиниши рўй берди. Ушбу зилзила натижасида 8 киши ҳалок бўлди ва 100 га яқин киши оғир жароҳатланди.

ТАЪЗИМ СИЗГА, ФАХРИЙЛАР

Куни кеча Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашида иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг эллик бир йиллиги муносабати билан тантанали қабул маросими ўтказилди. Республика, Тошкент вилояти ва пойтахт фахрийлар ташкилотлари уюшмаларининг бир гуруҳ фаоллари байрам учрашувига таклиф этилди. Шаҳар партия кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Л. Ғуломов йиғилганларни яқинлашиб келаётган қутлуғ сана билан муборакбод этиб, мустақил Ўзбекистонимизда уруш ва меҳнат фахрийлари ҳақида тинимсиз ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги, республика раҳбарияти олиб бораётган халқчил сиёсатда бу масалага алоҳида ўрин берилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги катта хизматлари учун ва 9 май — Ғалаба куни муносабати билан мазкур уруш ногиронлари ва иштирокчилари, шунингдек, байналмилалчи жангчилардан бўлган ногиронларни пул мукофоти билан тақдирлаш ҳақидаги Фармони фикримизга далилдир, деди у.

Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раиси Б. Раҳимов қабул учун миннатдорчилик билдирди. У, ёшлиги уруш жанггоҳларида ўтган, ўзларининг бутун онгли ҳаётларини она-Ватанга ҳалоллик билан хизмат қилишга бағишлаган кишилар бундай ғамхўрликдан фахрланиш ҳис-туйғуларига тўлиб-тошганликларини, кўзларида нур, қўлларида куч, белларида қувват бор экан, азиз юртимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш ишига муносиб ҳисса қўшаверадилар, деб тўпланганларни ишонтирди.

Бир пиёла чой устида ўтган дилкаш суҳбат иштирокчилари учун концерт дастури намойиш қилинди.

Партиямиз Тошкент шаҳар кенгаши Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронтдаги меҳнат фахрийларининг ҳурматини жойига қўйиб, савоб иш қилди.

Ўз мухбиримиз.

ПАРИЖ ҲАЙРАТИ

Таассурот

Аввал хабар қилганимиздек, ўтган ҳафтанинг 21-24 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Францияга ташрифи бўлиб ўтди. Мазкур сафарда бир қатор олимларимиз, мутахассисларимиз ҳам бевосита иштирок этдилар. Қуйида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари Т. Жўраев ва Б. Аҳмедовларнинг таассуротлари билан танишасиз.

Европанинг қоқ маркази — Франция сафаридан қайтганимизга ҳам бир ҳафтадан ошмоқда. Айтиш мумкинки, узоқ парвоздан кейинги мослашув даври ҳам ўтди, ҳаммамиз аввалгидай хизмат вазифамизни бажаришга киришиб кетдик. Лекин Парижда ўтказилган ҳайратомуз лаҳзалар, юракни ҳапқиртирувчи учрашувлар, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистоннинг юлдузли онлари бахш этган ҳаяжонлар ҳамон вужудимизни тарк этгани йўқ. Кўз олдимизда Европа халоскори деб таърифланган бобомиз Амир Темурга, унинг бугунги авлодларига кўрсатилган юксак иззат-икром қайта-қайта гавдаланмоқда.

Биз иккаламиз ҳам хориж сафарларида озмиқўпми бўлиб, унча-мунча нарсага ҳаяжонланавермаймиз. Аммо жаҳон нигоҳида алоҳида ўринга эга бўлган Франция тупроғида эндигина беш ёшга тўлаётган Ўзбекистоннинг шу қадар эътироф этилишидан, миллат тимсоли сифатида юртбошимиз шунчалар тан олинишидан беҳад қувондик. Ўнчамунча давлатлар мустақил турмуш қийинчиликларидан довдираб, ўз эркини аввалги оғаларга топшираётган бир пайтда, минтақамизнинг айрим жойларида биродаркушлик урушлари рўй бериб турган замонда Ўзбекистон беш йилдан камроқ вақт ичида бўҳрондан чиқибгина қолмай,олға томон ҳаракат қилмоқда. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Ахир 1991 йилда Марказий Осиёдаги республикалар олдинма-кейин мустақилликни қўлга киритиб, истиқлол йўлини тенг шароитда бошлашмаганмиди?! Ўтган жуда қисқа фурсатда мамлакатимизда иккита автомобиль заводи маҳсулот бера бошлади, ерости ва ерусти бойликларимизга жаҳон маҳтал бўлиб турибди, қисқаси, Ўзбекистон дунёнинг манаман деган улкан давлатлари билан тенгма-тенг ҳамкорлик йўлидан боряпти.

Тўғри, 4-5 йил ичида янги тузилган давлат бунчалик шаҳдам қадам ташлаши осон эмас. Бунинг бош омили шундаки, Ўзбекистон бой ва буюк ўтмишидан қувват олмоқда. Биз мустақиллик туфайли жаҳонни титратган соҳибқирон бобомиз Амир Темурни кўтаряпмиз. Аслида эса Амир Темур бақувват ва ҳаётбахш мероси билан, олти аср муқаддам қилиб қўйган хизматлари билан бизни кўтариб турибди. Ахир Франциядай жойда нафақат французлар, айни пайтда жаҳоннинг турли нуқталаридан келган олий зотлар сизнинг бобонгиз буюклигини тан олиб турса, қувонмай бўладими?!

Ушбу сафардан сўнг руҳимиз янада янгиланган-дай бўлди, ўзимизга ишонч ҳар қачонгидан ортди. Тўғри, Ўзбекистон билан Франция ўртасида қалин муносабат 1993 йилдан буён таркиб топган, бунга ҳар иккала давлат раҳбарларининг ўзаро расмий ташрифларида замин қўйилганди. Шу билан бирга Франциянинг янги Президенти Жак Ширак ҳали бундай муносабатларга киришганича йўқ эди. Энди тўла асос билан айта оламизки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада янги босқичда такомил топди. Бизнингча, Жак Ширакнинг бу ёндашувига Амир Темур сиймосига бўлган ҳурмат ва Ўзбекистоннинг ҳозирги давлат раҳбарига нисбатан эътирофи асос бўлган.

Апрелнинг 22-куни ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг равнақи» мавзуида халқаро илмий конференция билан ҳафталик бошланиб кетди. Унда дунёнинг турли жойларидан келган 17 нафар олим чиқиш қилган бўлса, уларнинг ярми Ўзбекистонимиз вакиллари эди. Тарихда Амир Темурнинг роли, соҳибқирон даврида меъморчилик, Хондамир ижодида Темурийлар даври фан ва маданияти масалалари, аниқ фанлар ривожи каби турли мавзулар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Академик Галина Пугаченкова маърузаси француз тилида тақдим этилди (газетхонларимиз ўтган йили бу олим Франция ҳукуматининг фахрий мукофоти—Пальма академияси зобити белгиси билан тақдирланганини эслашалар керак). Покистонлик профессор Аслан Саид Амир Темур ҳақида гапириб «Бу инсоннинг нигоҳини бамисоли дунёнинг рамзига ўхшатаман» деганда бу таърифдан кўпчилик таъсирланди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Э. Ртвеладзе «Темур ва Улуғбек тангалари» деган мавзуда чиқиш қилди. Шунингдек, профессорлар А. Аҳмедов, А. Ўринбоев, олимлар Н. Ҳабибуллаев, Д. Юсуповалар соҳибқиронинг серқирра фаолиятини ёритиб бердилар.

Айни пайтда шу нарса яна бир бор маълум бўлдики, Амир Темур фаолияти хусусида батафсил маълумот берувчи қўлёзма ва далиллар ҳали ер юзининг турли томонларида ўз тадқиқотчисини кутиб ётибди. Лондондаги Британия музейида Амир Темурнинг Англия қироли Карл IV билан ёзишмалари, Истамбулдаги Фотиҳ Сулаймон кутубхонасида, Италия, Франция ва бошқа жойларда Амир Темурнинг сиймосини гавдалантирувчи тарихий ноёб ҳужжатлар сақланмоқда. Ўзбекистон ҳукумати бу меросларни тўлалигича соҳибқирон юртига қайтариш учун керакли ишларни амалга оширишга қарор қилгани биз олимларни қувонтиради. Маълумки, Тошкентдаги Амир Темур хиёбони ёнида соҳибқиронга бағишлаб музей бунёд этилмоқда. Халқаро Амир Темур жамғармаси идораси ҳам шу масканда жойлашади. Мақсад бу ерни катта илмий марказга айлантиришдан иборат. Ҳозир Фанлар академияси институтлари музей яратиш билан қизғин шуғулланмоқда. Келажакда шу даргоҳда соҳибқиронга дахлдор барча осориатиқалар тўпланади.

Парижда Амир Темур ҳафталигининг айнан шу даврга белгиланганлиги катта маънога эга эканлигини у ерга бориб англаб етдик. Сафаримизнинг навбатдаги куни ЮНЕСКО ижроия кенгаши 149-сессияси ялпи мажлисига уйғунлашиб кетди. Бу анжуманда Президентимиз Ислом Каримов катта нутқ сўзлади. «Ўзбекистон, — деди юртбошимиз, — битмас-туганмас табиий ва минерал-хом ашё бойликларига, қудратли илмий, интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга. Олимларимиз математика, физика, биология, тарих ва археология соҳаларида олиб бораётган тадқиқотлар минтақамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур». Шу тарика бир вақтлар собиқ СССРнинг хом ашё манбаи сифатида қаралган ўлка жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топаётганлигни ёрқин далиллар билан кўрсатиб берилди.

Ўзбекистонда илм-фан равнақига алоҳида эътибор берилаётганлигини таъкидлашни истардик. Зотан, ЮНЕСКО минбаридан туриб Президентимиз олимларимиз меҳнатига юқори баҳо берганлиги бутун зиёлиларга илҳом бахш этади. Ҳамма нарса таққосланганда билинади деганларидек, айрим қўшни давлатларда бозор иқтисодиёти қийинчиликлари баҳонасида Фанлар академиялари тарқатиб юборилди, Қозоғистонда Академия бошқа вазирликка қўшилиб кетди. Шундай бир пайтда Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фондига қўшимча 18 миллион сўм ажратилгани жуда катта ғамхўрлик намунасидир.

Парижда ЮНЕСКО қароргоҳида кўргазма очилишининг ўзи алоҳида воқеликдир. Унда кулолчилик, кандакорлик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги — хуллас, халқимизнинг асрлар мобайнида эъзозлаб келаётган санъати намоён бўлди. Энг асосий экспонатлар қаторида ноёб китобларимиз бўлди. Шуни айтиш керакки, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си 1895 йилда Парижда ўтказилган кўргазмага қўйилган бўлиб, бу китоб иккинчи бор Европага олиб борилди. Олтин, кумуш ва мисдан қилинган Амир Темур ва Улуғбек тангалари барчада қизиқиш уйғотди.

Мазкур кўргазмага Франция Президенти Жак Ширакнинг ҳеч ким кутмаганда кириб келиши катта воқеа бўлди. Умуман Франция билан муносабатларимизнинг мустаҳкамланиши Ўзбекистон учун янги уфқларни очиб беради. Франция — Европанинг юраги. Бизнинг 58 миллион аҳоли яшайдиган буюк мамлакат билан ҳамкорлик қилишимиз Ғарбдаги қатор давлатларга йўл очиши табиий.

Президентимиз шу йил октябрь ойида Ўзбекистонда нишонланадиган Амир Темур тўйига барчани таклиф қилди. Шу дақиқаларда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор сўз олиб, Ўзбекистон раҳбари ўз юрти ҳақида қисман гапирганлигини, у ернинг қандайлигини ўзи бориб кўрганлигини тўлқинланиб сўзлади ва йиғилганларни ўз номидан Ўзбекистонга таклиф қилди. Бу ҳолат шу даражада табиий чиқдики, Федерико Майор «Дўстлик» орденини гўё ўзбекистонлик сифатида олгандек эди.

Амир Темурга бағишланган ҳафталикнинг Францияда ўтказилиши ҳар жиҳатдан асослидир. Собиқ СССР даврида ўзбек олимлари соҳибқирон ҳақида қўрқиб-писиб ўрганишган, ёзган китобларини чиқаролмай қийналишган бўлса, Францияда Амир Темурни катта қизиқиш билан ўрганишган. Шундай фидойи олимлардан бири Люсьен Керэндир. У 35 йилдан буён Амир Темур фаолияти билан қизиқди. Франциядаги темуршунос олимнинг бизнинг аждодимизга меҳри, муҳаббати эъзозга лойиқ. Шу боис ҳам Люсьен Керэнга Президентимиз «Шуҳрат» медалини тантанали суратда топширди.

Парижнинг машҳур «Одеон» театрида ва ЮНЕСКОнинг 1200 кишилик залида уюштирилган Ўзбекистон санъат усталарининг иккита концерти сафаримизнинг ёрқин саҳифаларидан бири бўлди. Илгари замонда хорижий мамлакатларда уюштириладиган концертларда Москва Ўзбекистонга базўр битта-яримта ўрин берарди. Европада ўзбек санъатига тушунишмайди, деб изоҳ беришарди. Муножот Йўлчиева, Ўлмас Саиджонов каби хонандалар саҳнага чиқиб хониш қилишганида томошабинлар санъаткорларни олқиш билан қайта чиқишга чорлашди. Абдуҳошим Исмоилов ғижжак наволарини янгратганда гулдурос қарсак анчагача давом этди.

«Фақат буюк халқнинг санъати шундай бўлиши мумкин!» — деди ЮНЕСКОнинг масъул ходимларидан бири. У киши 25 йилдан буён шу даргоҳда ишлаётганини, лекин чорак аср бадалида ҳеч ким бунчалик ажойиб томоша кўрсатмаганини айтди. Концерт муқаддимасида француз артисти ижро этилаётган қўшиқлар матнининг мазмунини тушунтириб берди. Юксак маҳорат билан ижро этилган куй ва рақсларга эса таржимоннинг ҳожати бўлмади.

Францияга ташрифимиз кунлари Ўзбекистон Президенти жойлашган қароргоҳ тепасида, шунингдек, ЮНЕСКО қошида мамлакатимиз байроғи ҳилпираб турди. Унга кўзимиз тушган дамларда вужудимиз яна бир ғурурга тўлди. Қандай ажойиб Ватанимиз бор! Қандай фидойи, мард, танти йўлбошчимиз бор! Президентимиз қаерда нутқ сўзламасин, ҳамиша хорижлик ишбилармонларни ҳамкорликка чорлади. Ўзбекистонга келинглар, унинг бой ресурсларини ишга солиш орқали ўзингиз ҳам наф кўрасиз, бизга ҳам фойда берасиз, деди. Бу чин маънодаги интеграцияга чорлашдир. Ҳа, Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 5 йиллигига демократик жараёнларни ривожлантириб, янги давлатчиликни қарор топтириб, бозор муносабатларига ўз йўлини кашф этиб бормоқда. Ислоҳотнинг илк самаралари бўй кўрсатмоқда. Кейинги йилларда эқилган ниҳоллар нишона кўрсатиб, ғуж-ғуж ҳосил тўплаяпти. Яқин йилларда муваффақиятларимиз икки ҳисса, уч ҳисса кўпайиб кетади. Ўтиш даврида қийинчиликлар унут бўлади. Франция сафаридан кейинги хулосамиз ана шундай умидбахшдир.

Тўхтамурод ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти.
Бўрибой АҲМЕДОВ,
академик, Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси.

Ҳаёт билан ҳамнафас

АХБОРОТНОМА ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТОПМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Шаҳрихон туман кенгаши тумандаги «Янги ҳаёт» газетасида «Халқ иродаси» номли илова нашр этяпти. Ҳар ойда бир марта чоп этиладиган илова саҳифаларидан Шаҳрихон туман кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти, партиядошлар ҳаёти ва уларнинг фидокорликлари ҳақида материаллар берилади.

Шаҳрихонликларнинг вақтли матбуот нашри орқали омма билан алоқа боғлашдек ибратли ишини вилоятдаги қатор шаҳар ва туман партия кенгашлари ўрганяптилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЗИЁЛИЛАР — ПАРТИЯ ТАЯНЧИ

Дарҳақиқат, шундай. Улар партия ғояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда, миллий истиқлол мафкурасини ҳар бир фуқаро онгига сингдиришда фаоллик кўрсатишмоқда. Самарқанддаги кўпгина олий ўқув юртларининг олимлари шаҳар ва туман партия кенгашлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказишаётир.

Самарқанд шаҳар зиёлилар ҳудудий партия ташкилотининг навбатдаги йиғилишида ҳам шу саъй-ҳаракатлар алоҳида таъкидлаб ўтилди. Унда ташкилот котиби, профессор Ҳасан Бегматов ижроия бюронинг кейинги фаолияти ҳақида ахборот берди.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Облоёров зиёли партия аъзолари ҳузурида бугунги долзарб вазифалар хусусида гапирди.

Йиғилишда ўқитувчи ва талабалардан тўққиз нафари ХДП сафига қабул қилинди. Энди ташкилотда аъзолар сони 106 нафарга етди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Сизни қутлайман, акажон!

Алмурод МАМАДАМИНОВ олган сурат.

ЯШИРИН ХАСТАЛИК

Воқеа арафасида

Қандли диабет ҳозирги кунда кенг тарқалган эндокрин хасталиги ҳисобланади. Республикамизда 74000 нафардан ортиқ бемор қандли диабет бўйича ҳисобга олинган. Аммо уларнинг ҳақиқий сони бундан ҳам кўп. Чунки диабет кўпчилик кишиларда яширин кечади. Ҳозирги кунда бу хасталик сурункали, бир умрга орттирилган дард бўлиб қоляпти. Шу боис бу хасталик фақат тиббий муаммо бўлиб қолмасдан, унинг ижтимоий аҳамияти ҳам катта. Муаммонинг муҳимлиги, мураккаблиги унинг ечимида кўпчилик иштирокини тақозо қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 13 та ихтисослашган вилоят эндокринологик диспансер, 400 та катталар ва болалар эндокринологик хонаси мавжуд. Қандли диабетни ўрганиш, даволаш, олдини олиш бўйича республика миқёсида илмий-услубий раҳбарликни эндокринология маркази—Ўзбекистон Фанлар академиясининг Эндокринология институти амалга оширмоқда. Бу масканда ҳозирги кунда хасталикнинг ҳамма соҳалари бўйича чуқур изланишлар олиб бориляпти.

Европа мамлакатларида Сент-Винсент декларацияси қабул қилинган. Унинг тавсияларининг асосий мақсади қандли диабет асоратларини камайтириб, беморларнинг умрини узайтиришга қаратилган. Ўзбекистон эндокринологлари ҳам шу декларацияни амалга оширишга қўшилиб, мазкур хасталик муаммосини ечишда барча имкониятлардан фойдаланишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Тиббиётда қандли диабет соҳасида қилинган изланишлар якуни ҳамда бу соҳанинг келажак режалари тўғрисида эндокринолог-шифокорлар, олимлар фикр алмашиб олишлари учун 6-7 майда Тошкентда ўтадиган Марказий Осиё диабетологларининг II конгресси катта имконият яратади деган умиддамиз. Бу анжуман республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси Эндокринология институти ҳамда республика Эндокринологлари илмий жамияти иштирокида ўтказиляпти. Анжуманга «Берингер-Ингель хайм» фирмаси (Германия) ҳомийлик қилмоқда. Конгресс ишида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбойжон, Украина, Россия, Англия ва Австриянинг йирик олимлари иштирок этиши кўзда тутиляпти.

Зоиржон АКБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош эндокринологи, тиббиёт фанлари номзоди.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ПАРТАСИЮ ПУЛИ ЙЎҚ МАКТАБ»

Газетанинг шу йил 25 апрель сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали луқмада Қумқўрғон туманидаги Охунбобоев номли мактабда қўшимча синфхоналар икки йилдан буён қулфлоғлиқ тургани, бунга сабаб парталар йўқлиги, парта сотиб олиш учун эса оталиқ ташкилотларда маблағ йўқлиги баён қилинган эди. Танқидий чиқиш юзасидан Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Х. Чориевдан шошилинчнома олинди. Унда жумладан шундай дейилган:

«Рўзноманинг 1996 йил 25 апрель сонида чоп этилган «Партасию пули йўқ мактаб» сарлавҳали танқидий мақолада билдирилган фактлар ўз исботини топди. Мактаб жамоа балансида бўлганлиги ва хўжаликнинг молиявий аҳволи оғирлиги туфайли шу ҳолат рўй берган. Камчиликларни бартараф этишнинг шошилинч чора-тадбирлари кўрилди. Охунбобоев номли мактабда режасиз қурилган қўшимча синфхоналар учун зарур парта ва бошқа жиҳозлар етказиб берилди. «Қумқўрғон» жамоа хўжалиги раҳбарияти мактаб ҳовлисидаги чуқурликни бир ҳафта ичида текислаб беришни ўз зиммасига олди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини Р. Турсуновнинг бизга хабар беришича, «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 25 апрель сонида чоп этилган «Партасию пули йўқ мактаб» сарлавҳали мақолада зикр этилган Охунбобоев номли мактабнинг 8 та синфхонаси ва қўшимча хоналари учун «Қумқўрғон» жамоа хўжалигининг масъул ходими Холмурод Абдумуродов ўз номига берилган ишонч қоғози билан вилоятнинг «Таълимтаъминот» корхонасидан етарли миқдорда, яъни 80 та парта, 160 дона стул, 8 та синф доскасини 3 ой ичида жамоа хўжалиги ҳақини тўлаш кафолати билан олиб кетиб, мактабга етказган.

Мактаб ҳудудидаги жарликни эса қўшни ташкилотнинг бульдозери ёрдамида тўлдириб, текислаб ташлашга келишилган. Масаланинг ниҳоясига етказилиши вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман халқ таълими бўлими масъул ходимлари томонидан назоратга олинган.

Вазир ўринбосари М. СУЛТОНОВ.

МАМЛАКАТДА ЯГОНА

***ТОШКЕНТ (мухбиримиздан).* Қибрай туманидаги Оқава қишлоғи ҳудудида республика ўрмон хўжалиги мутахассислари малакасини ошириш ва тажриба ўқув ишлаб чиқариш маркази иш бошлади.**

Мамлакатимизда, қолаверса, Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган бу масканда йилига 400 дан зиёд ўрмончи малака ошириш имконига эга. Айни пайтда бу ерда ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш пуллик курслари ҳам ташкил қилинди.

Соҳибжон САЛИМОВ.

«БАҚОЕВ»НИНГ МИЖОЗИ КЎПАЙМОҚДА

БУХОРО (мухбиримиздан). Қадимий шаҳардаги «Бақоев» кичик корхонаси республикамизда тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги туфайли юзага келган жамоалардан бири. Бу ерда нафис панжарасимон дарвозалар, дераза ва ёдгорлик чамбаралари, уй-жой, гулзорларнинг атрофини ураш учун тўсиқлар, қўприк, зина панжаралари, қуёш нуридан сақлайдиган мосламалар ясалаётир. Улар асосан металларга жило бериш йўли билан яратилади.

Бултур олтмиш киши ишлаётган жамоа 16 миллион 700 минг сўмлик иш бажарди. Бугун вилоятнинг барча туманлари, шаҳар ва қишлоқларидаги ёдгорликлар, маъмурий бино, кўча, хиёбонларда бу корхонанинг маҳсулотларини учратиш мумкин. Яна шуни таъкидлаш керакки, бултур Тошкентда ўтказилган «Ташаббус-95» кўригининг «Йил бизнесмени» танловида корхона жамоаси ҳам қатнашиб, ғолиб чиқди. «Бақоев»га диплом ҳамда 20 минг сўм пул мукофоти тошширилганди. Бу «Бақоев»ларни баракали ишлаш, тинмай изланишга ундади.

— Бозор иқтисоди бир жойда депсиниб туришни ёқтирмайди, — дейди корхона раҳбари Анвар Бақоев. — Ҳозир мижозларимиз — буюртмачилар талабистаги асосида иш кўряпмиз. Республика Ташқи ишлар вазирлиги катта ҳажмда буюртма берган. Навоий, Қашқадарё вилоятларида ҳам ишлар бажаряпмиз. Мамлакатимиз иқтисодиёти таянчларидан бири — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида 1 миллион 800 минг сўмлик иш бажаришимиз керак. Бундан ташқари, Бухорои Шарифнинг 2500 йиллигию юбилейига муносиб ҳисса бўлиб қўшилувчи миллий нусхадаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаряпмиз.

Даврон БАҲРОНОВ.

ҲАММА ЖЎРАЕВДАЙ ИШЛАСА ЭДИ

Таҳлил ва сабоқ

Қумқўрғон туманидаги С. Бойматов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг ҳисобот йиғилиши Хушбоқ Жўраевни 1995 йилда энг яхши ишлаган жамоа аъзоси сифатида эътироф қилди.

Жўраев — бригадир. У бошлиқ жамоа бултур ҳар гектар ердан 53 центнердан буғдой олди.

Энди, хўжаликдаги ғаллакорман, деганнинг ҳаммаси шу бригада даражасида натижа қозонганида эди, 1995 йил бу ерда 4644 эмас, 8200 тонна ғалла етиштирилган бўларди.

Хўжалик бу йил ғаллазорларни яна кенгайтириб — 2200 гектарга етказди. Лекин ғаллани озиқлантириш, парвариш қилишда эски камчиликлар кузатилмоқда. Мажлис аҳли бўлса ҳамма Жўраевдай ишласа бўлади-ку деган гапни кўндаланг қўйди. Фақат...

Фуқаролар йиғини раиси Раҳмон Чориев сўзга чиқиб, яна бир масалани ўртага ташлади. Хўжаликда 27 минг аҳоли истиқомат қилади. 900 оила қорамол, 560 оила сигир боқмоқда. Мингта оилада парранда ҳам йўқ. Айрим олий маълумотли мутахассислар лавозим кутибми, имтиёз кутибми, бекор юриптилар. Тоғни урса талқон қиладиганлар борки, далага чиқиб ишла, деган таклифни масхара қилишади. Сартарошу этикдўз бўлиб ишлайман, деган азаматларнинг йўқлигидан одамлар уста излаб йигирма чақирим келадиган туман марказига сарсон бўлишади. Оилавий можароларнинг олдини олишда ота-оналардан ҳам кўра фуқаролар йиғини фаоллари ва суд органлари кўпроқ бош қотиришга мажбур бўлмоқдалар.

С. Бойматов номли хўжалик нафақат туманда, балки вилоятда салоҳиятли жамоалардан ҳисобланади. Бу ерда консерва заводи, иккита қурилиш ташкилоти ишлаб турибди. Пахта тозалаш заводини бу йил ишга туширмоқчи. Хўжалик бултур 9023 тонна пахта етиштирди. Бу соҳадаги режани ошириб бажарганлари эвазига қарийб 100 миллион сўмлик маҳсулот ўз тасарруфларида қоладиган бўлди.

Бошқарув раиси Эргаш Жумаевнинг гапи шу бўлдики, эндиликда боқимандалик барҳам топади. Ҳамма виждонан ишламоғи керак. Шундай бўлса, хўжаликда ишлаб чиқариш қуламини барча жабҳаларда икки баравар кенгайтириш имкони бор.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ГУЛЛАР ҚУРШОВИДА

Атрофимизда шундай табаррук инсонлар яшайдики, уларни берган яратганга тасанно айтгинг келади. Шулардан бири Амин Муҳамедовдир. У киши 1937 йилда Ленинград политехника институтини фақат аъло баҳога битирди, Оқтепа ГЭСига ишга келди, уруш йиллари Ўзбекистоннинг йирик сув иншоотларида ишлади, сўнгра илмий фаолиятини бошлади. Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганига 47 йил тўлди. 1966 йилда техника фанлари доктори бўлди. Республикада хизмат кўрсатган фан ва техника арбобининг бевосита раҳбарлиги остида 4 киши докторлик, 46 нафар мутахассис номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шогирдлари орасида миллий кадрларимиз билан бирга Бирлашган Араб Амирлиги, Вьетнам, Германия, Гвинея, Жазоир, Непал, Судан ва бошқа хорижий давлатларнинг вакиллари бор.

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси Сув муаммолари институтида ана шу мўътабар инсонни 80 ёшга тўлганлиги билан табриклашди. Институт директори Нажим Ҳамроев ва бошқа кўплаб олимлар, домланинг шогирдлари улкан иншоотлар муаллифига саломатлик тиладилар. Ўзбекистон ва Россия Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси мухбир аъзоси Амин Муҳамедов ана шундай камтарин замондошимиз эканлиги кўнглимизга ёруглик бахш этади.

Ш. ЖАББОРОВ.

Мустақиллик сабоқлари

Мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб республикамиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида катта ислоҳотларни амалга оширишга киришилди. Ҳозирги кунга келиб бу ислоҳотлар ўз самараларини бера бошлаяпти. Республикамизда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар билан бир қаторда маънавият соҳасига ҳам катта эътибор бериляпти. Чунки маънавий қадриятларни тикламасдан туриб том маънодаги миллий давлатчилик қуриш мумкин эмас.

АГАР ҚИЛМАДИ ЭЛ ҲИМОЯТ СЕНГА...

Ўзингдин керакдир шикоят сенга

Айниқса, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғурур, Ватанга садоқат, халққа муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаси. Мустақил Ўзбекистон Республикасида ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш ишига катта эътибор бериляпти. «Соғлом авлод учун» орденининг давлатимиздаги биринчи орден эканлиги бунинг намойишидир. Эндиликда спортни ривожлантиришга кўрсатилаётган эътибор ўз кўламининг улканлиги билан ҳам ажралиб турибди. Вазирлар Маҳкамасининг давлатимизда футболни ривожлантириш ҳақидаги қарорлари фикримизнинг далили бўла олади. Миллионларнинг севимли спорт тури бўлган футбол инсонни соғлом, бақувват ва чаққон бўлиши билан бирга унда ҳамжиҳатлик, жамоа фойдаси учун курашиш, меҳнатсеварлик ва кучли иродани ривожлантиришда катта аҳамияти бор. Шарқона эҳтиросга эга халқимиз эса жаҳон футбол ишқибозларининг энг шинавандалари сафига киради. Шу сабабдан ҳукуматимизнинг бу ҳақдаги қарорлари бутун халқимиз томонидан мамнуният билан қарши олинди. Футболимизга берилган бундай эътибор хорижда ҳам катта шов-шувга сабаб бўлди.

Қарор эълон қилинган кунларда футбол мутахассисларимиздан бири тасодифан Москвада бўлиб, Ҳамдўстлик мамлакатлари футбол мутахассислари билан у тўғрисида мулоқотда бўлган. Унинг айтишича, мутахассислар бу икки қарор билан танишиб чиқиб, ҳукуматимиз ёш давлатимизнинг спортга бўлган эътиборига тан берганликларини чукур мамнуният билан, ғурур билан таъкидлаганлар. Қозоғистоннинг «Қайрат» командаси собиқ бош тренери қарор билан танишганидан сўнг «Ўзбек футболининг келажаги порлоқдир. Футболга бундай муносабатда бўлиш давлат сиёсатига айланганлигига ҳавасим келмоқда» деган сўзларни кўзларида ёш билан айтгани айниқса таъсирлидир.

Футбол ривожи учун бундай давлат қарорлари қабул қилинганлиги мутахассисларда катта қизиқиш уйғотган. Бундай қарор ҳукумат даражасида фақат Бразилиядагина 1993 йили қабул қилинганлиги маълум. Республикамизда эса мустақиллигимизнинг бешинчи йилида футбол ҳақида иккита қарор қабул қилинганлиги бу борада мамлакатимизнинг ўзга давлатлардан ажралиб туришининг далолатидир. Спортга давлатимизнинг бундай катта эътибор бериши бежиз эмас. Чунки спорт, айниқса, футбол кишиларда жисмоний тайёргарликдан ташқари миллий ғурур туйғуларини ривожлантиришда ҳам жуда катта роль ўйнайди.

Фикримизнинг далили сифатида мустақил Ўзбекистон миллий футбол командасининг Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинларида қозонган ғалабасидан халқимиз қанчалик хурсанд бўлганлигини эсласак кифоя. Ўшанда чемпион футболчиларимизни тайёрагохда миллий қаҳрамонлардек кутиб олинган, телевидение орқали бу ҳақда тўғридан-тўғри репортаж уюштирилган эди. Халқимиз ҳанузгача «Биз Осиё чемпионларимиз!» деб ғурур билан бу ғалабани хотирлашади. Хиросиманинг марказий стадионида Ўзбекистон байроғи кўтарилиши ва ўзбек мадҳиясининг янграши барча ўзбек фуқароларининг ғурурига ғурур қўшиб кўзларида севинч ёшларини балқитган эди. Бундай ғурурланиш онлари ҳаётда кам бўлади. Бундай чоғда бутун миллат кўксида мамнуният ҳисси қалқийди. Шундай воқеалар ёш авлодимизга ўрнак бўлади, улар кўнглида Ватани, халқига нисбатан ифтихор ҳисларининг куртак очишига сабаб бўлади. Бундай кунлар тарихий он бўлиб қолади.

Юртбошимизнинг барча чемпион спортчиларни юксак давлат мукофоти — «Шуҳрат» медали билан тақдирлагани қувончга қувонч қўшади. Ўша вақтда Осиё ўйинларида иштирок этган ўйинчиларимиз орасида собиқ Иттифоқ командаларида қатнашиб келган юртдошларимиз ҳам бор эди. Улар «Бизга биринчи бор ўз давлатимиз шарафи учун курашиш насиб этди. Бу эса бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, бунинг нашидаси ўзгача бўлар экан» деб айтган гапларида бир олам маъно бор.

Футбол дунёсида кўзга кўринган мутахассисларнинг фикри шундай бўлди: «Бошқаларга нисбатан кучли бўлмаган Ўзбекистон командасининг Осиё чемпиони бўлишига уларда ўз давлати шарафи учун курашиш ҳиссиётининг кучлилиги сабаб бўлди!» Жисмоний ва руҳий қудрат бирлиги аждодларимиз ғалабаларидек бизга ҳам улкан ютуқлар олиб келди.

Хўш, Ўзбекистон футболи бундай ғалабаларга собиқ тузум даврида эришиши учун нима халақит берар эди? Бунинг қатор сабаблари бор. Аввалambор Ўзбекистон мустақил давлат сифатида халқаро майдонга чиқа олмас эди, иккинчидан, марказдаги турли пинҳоний «ўйинлар» оқибатида Ўзбекистоннинг футболчиларига қараганда Украина, Россия каби республикалардан кўпроқ ўйинчилар олиниб, СССР терма командаси тузилар эди. Яна шуни айтиш керакки, собиқ Иттифоқ даврида республикамизда тайёрланган яхши ўйинчиларни Москва командаларига олиб кетилиб, у ерда ўйнашга мажбур қилинар, агарда розилик бермасалар, терма командага ҳам олишмас эди. Уларга шундай тузоқлар қўйилар эдики, натижада улар марказий командаларда ўйнашга мажбур бўлар эди. Ўзбек футболи эса юлдузларсиз қолиб, яна юлдуз етказиб олишга киришар эди. Бу ўйинчилар бегона командаларда сиқилиб яшаб, ўз маҳоратларини қўлдан бериб, кунларини кўра олмай, заҳирадаги ўйинчилар қаторига тушиб қолар эдилар. Чунки улар у ерда мусофир сингари яшаб, чин дилдан қўллаб-қувватловчи ишқибозлар кўмагини сезмас эдилар. Натижада Ўзбекистонга яна қайтиб ўз она диёрлари ҳавоси, ишқибозлари нафаси билан янгитдан ғайратга тўлиб қатор ютуқларга эришардилар. Бир савол туғилади: масалан, Абдураимовни Москва командаларида жонбозлик кўрсатиб, кўп ўйинларда катта ютуқларга эришган бўлса-да, ҳозир уни Москвада ким эслайди? Ҳеч ким! Ўз элинг—олтин бешигинг. Ҳар бир инсон ўз туғилган ерида азиз. Бизда эса футболчиларимизни миннатдор халқимиз бир умр эслаб, ардоқлаб юрадилар. Ўзбек ишқибозлари ҳар доим миллатидан қатъи назар ўз командасига содиқ қолган футболчиларни эъзозлаб бошларига қўйиб келадилар. Геннадий Красницкий, Стадник каби футболчиларимизга ўз командаларига содиқ қолганлари учун СССР терма командаси майкасини кийиш насиб бўлмаган эди.

Ўзбек футболининг зафарли кунлари билан мудҳиш фожиали тунлари ҳам бўлган. 1979 йилги авиация фалокатида «Пахтакор» командаси футболчилари ҳалок бўлдилар. Бу хабар бутун Ўзбекистонни ларзага солди. Бу мусибатнинг чегараси шундай улкан бўлдики, юз минглаб одамлар кўчаларга чиқиб, мотам тутиб аза очдилар. Улар ўша қора кунда забардаст йигитларимизни яшил майдонга эмас, қора тупроққа кузатиб қўйдилар. Ўша кунлар бутун Ўзбекистонимизда уч кунлик Миллий аза куни деб эълон қилинди.

Лекин, минг афсуски, ўша даврда Иттифоқ матбуотида бу ҳақда ҳеч қандай ахборот берилмади, бу фожианинг асосий айбдорлари ким эканлиги тўғрисида ҳатто текширув ҳам олиб борилмади.

Фожиадан кейинги биринчи ўйиндаёқ янги ўйинчилардан тузилган «Пахтакор» командаси Тбилиси « Динамо»чиларини 2:1 ҳисобда ютган чоғларда минг-минглаб ишқибозлар стадиондан кўзда ёш билан чиққан, миллионлаб ишқибозлар телевидение орқали буни кўриб ҳаяжонга тушган эдилар.

Ана шундан кейин ўзбек футболи марказдан келган турли тренерлар, «гастролёр» футболчилари учун очиқ хазина бўлиб қолди. Ҳар бир келгинди футболчи учун уй-жой, автомашина, катта пул тўланди. Улар чўнтакларини тўлғазиб, тез орада жуфтакни ростлардилар. Улар учун ўзбек футболи шарафи дея курашиш ёт нарса бўлса, лекин раҳбарларимизнинг ҳам улардан буни кутиши — тақадан сут олишдек нарса эканлигини билмасликлари кулгили эди.

Марказдан келган тренернинг унга янги совға қилинган «Волга»си тагига ётиб олиб бир нарса қилаётганини кўриб, «Пахтакор» ўйинчиларидан бири иккинчисидан «У нима қилаяпти?» деб сўраса, киноя билан «Пул қидиряпти!» деб жавоб берганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Мана шундай келгинди «жонкуяр мураббийлар» «Пахтакор»нинг чемпионатдаги тўрт йиллик имтиёзли даврида қанчадан-қанча нарсаларни талон-торож қилиб қочиб қолмадилар, дейсиз!

Минг шукрлар бўлсинки, мустақилликка эришганимиздан кейин нафақат ёш спортчиларимизга, балки спорт фахрийларимизга ҳам эътибор ўзгарди. Яқинда Ўзбекистон спорт кўмитаси ва Миллий олимпия кўмитаси билан биргаликда Президентимиз таклифига биноан «Наврўз» тантаналар саройида катта анжуман ўтказилди. Унда фахрийларимиз ҳам, Атлантага борадиган спортчиларимиз ҳам олқишланди. Бу тантанадаги энг юқори ўринлар уларга берилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди. Республикамизнинг таниқли санъаткорлари уларга хизмат қилиб фозилу фузалоларимиз уларга омад тиладилар. Бу маросим Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали кўрсатилди. Маросимда қатнашган футболимизнинг жонкуяри ва билимдони Жўра Хоназаровнинг тўлқинланиб айтган сўзлари сира эсдан чиқмайди: «Мен ҳайратдаман, бўлаётган ишлар тушми ёки ҳақиқат? Мен ўзимни гўё жаннатда юргандек ҳис қилаяпман. Спортга, фахрийларимизга бўлаётган бундай эътибор ва ҳурмат фақат мустақиллигимиз шарофатидандир».

Ўтиш даври қийинчиликларига қарамай спорт иншоотлари, стадионларнинг янгиланиши ва қурилиши кенг кўламда олиб бориляпти. Лекин ҳамма спортчиларимизда, мураббийларда ҳам ватанпарварлик, миллий ғурур ҳислари етарли даражадамикин деган савол туғилади.

Қаҳрамонлик, мардликнинг икки тоифаси бор: бири лаҳзанинг ўзида қаҳрамонликни намойиш этиш, иккинчиси доимий мардлик кўрсатиб яшаш. Иккинчисининг юки нақадар оғир эканлиги ҳар куну ҳар соатда, ҳар бир ҳолатда чидам билан матонат кўрсатиш зарурлигидан билса бўлади. Оллоҳга ҳам ана шундай инсонлар хуш келади. Биринчи хил қаҳрамонликни барча дарҳол олқишлайди, ҳурмат-эътибор кўрсатади, лекин иккинчи хил мардлар эса ўзларини «манаман» деб кўрсатмай вазминлик билан яшайдилар. Улар учун турли дабдабалар бегона. Шукрки, бундай инсонлар орамизда кўп. Бизнинг юксалишимиз ана шундай инсонлар заҳмати, матонати орқали бўлаётганини чуқур англаш лозим. Лекин ўзбек футболини Осиё ўйинларида ғалабага олиб келган миллий команда мураббийларидан бири Рустам Акрамов ана шундай «бир лаҳзалик» қаҳрамонлардан бўлиб чиқди. Ўзбекистон Осиё чемпиони бўлгандан сўнг у Осиёда иккинчи энг кучли тренер деб тан олинди. Лекин унинг футболчиларимизни чемпион бўлишларидаги ҳиссаси қандай эканлиги тўғрисида сўз айтмай туриб, унинг миллий ғурур, ватанпарварлик борасидаги қалб уриши ҳақида гапирмоқчимиз. Бу футбол мураббийси Хиросимадаги ғалабамиздан сўнг ўзбек футболи довруғини янада юқори кўтаришга бел боғлаши керак эди. Чунки тоққа чиққан чўққини кўзлайди. Кўплаб иқтидорли футболчиларимиз унинг қўлига ишониб топшириб қўйилган эди. Ана шу эришилган ғалаба шитоб билан футболимизни янада юксакка олиб чиқиши мумкин эди. Афсуски бундай бўлмади. Ўзбек футболининг мана шу юксак шоҳсупадан янада юқорига кўтариш учун барча моддий ва маънавий шароитлар яратилган эди. Лекин қалбан ногирон, миллий ғурур тушунчасида ожиз бу киши тақдир насиб этган ва ҳукуматимиз томонидан яратилган шароиту имкониятлардан фойдаланмади. Ўз ҳаётини миллатимиз футболи равнақи учун бахшида этишга иродаси чидамади. У ўз миллий чемпионати ҳам бўлмаган Ҳиндистон мамлакатидаги бир футбол командасига мураббий бўлиб кетиб қолди. Бу иши билан Акрамов ўзини ҳурмат қилиб мубораксбод этган халқимиз ихлосидан қолди. Ҳинд рупийсининг «жилваси» юртимиз оҳанрабосидан устун чикдимикин, деган савол туғилади. Йўқ, бу гапга ишониш қийин, бу ерда гап бошқа масалада.

Баъзида «фалончи яхши одам эдию, лекин шайтон йўлдан урибдида» дейдилар. Шайтон ҳар бир инсон қалбига йўл топиш ҳаракатида бўлади. Шу сабабли инсон ҳар доим, ҳар дақиқа у билан олишиб, уни енгиб яшамоғи лозим. Ор-номусли, ғурурли эркакларда бу кураш айниқса кучли бўлади. Улар бутун ҳаётлари мобайнида бирор маротаба ҳам ўз ор-номусларини бой беришга йўл қўймайдилар. Чунки ўзбекларда «кўйлак янгилигидан, ор-номус ёшликдан сақланади» деган ўта маъноли нақл бор. Афсуски, Рустам Акрамовнинг қалбига кириб олган шайтон унинг иймонидан, миллий туйғуларидан устун чиқди. Баъзан ўша шайтон эгасини эшак қилиб миниб оладида, уни ҳинду-ажам, мағрибу-машриқларга йўрғалатиб ҳайдаб олиб кетади. Ҳозир, айниқса шайтонга ҳай бериш вақтимиздир. Бўлмаса шайтоннинг гапига кириб баъзилар юртимиз юзини қора қилиши, баъзи бир номаъқул бузоқлар кўп «иш» кўрсатиши мумкин. Истар эдикки, мамлакатимиздаги барча йигитлар қиличдай кескир, иймонли ва бир сўзли бўлсалар. Рустам Акрамовда эса бу нарса етишмади. У Ҳиндистонда ўзини қандай мутахассис эканлигини тезда кўрсатиб қўя қолди Р. Акрамов бошчилигидаги команда Осиёда унча кучли бўлмаган Малайзия командаси билан учрашувда шармандаликка учради. Юртдошимиз у ерларда қандай иш олиб бораётган экан, деб унга ҳамдард бўлиб ўтирган ўзбекистонликлар унинг командаси дарвозасига малайзияликлар кетма-кет тўртта тўп ургач, ҳафсаласи пир бўлиб телевизорларини ўчириб қўйдилар. Мана Осиёда иккинчи бўлган тренернинг ҳоли ва обрўси. Энди бу «саёҳатчи» тренеримиз Ўзбекистонга қайси юз билан қайтиб келар экан ва бизнинг футболчиларимизга ҳинд футболининг қайси сир-асрорларини ўргатар экан.

Ёш ўзбек футболчиларимиз ўз маҳоратларини ошириш учун Сингапур, Бирлашган Араб Амирлиги, Малайзия ва бошқа мамлакатларга ошиқмоқдалар. Биз уларнинг ниятларига қарши эмасмиз. Лекин ўзбек футболининг қудратини Хиросимада жаҳонга кўрсатган бўлсак, наҳотки, энди назаримизни паст қилиб футболда биздан маҳорат даражаси қуйироқ мамлакатларга бош урсак. Бундай интилиш спортчи учун мантиқсиз ва ачинарли эмасми? Агарда улар Италия, Германия, Англия командаларига боришга истак билдирганларида бошқа гап эди. Афсуски, улар миллий ғурур ўрнига катта хуржунни ўйлаб юрибдилар. Давлатимиз қабул қилган қарорга мувофиқ, энди футболимиз профессионал футболга ўтаётган пайтда бундай енгилтаклик ярашмайди. Ваҳоланки, ўша пулни ўзимиздаги профессионал командаларда ўйнаб, ишқибозларимизни хушнуд этиб, ўз юртимизда топишлари мумкин. Улар ўзга юртларда бизнинг ишқибозлар томонидан кўрсатиладиган меҳрни топа олмайдилар, қалблари ногирон бўлиб қайтиб келадилар.

Бу борада Россиянинг «Алания» командасида ўйнаётган Миржалол Қосимов ҳақида ҳам бир оғиз сўз. Миржалол маҳоратли футболчи. Лекин унинг барчамизнинг кўнглимизни хира қилаётган қилиқлари ҳам бор. Агарда у футбол мавқеи юқори бўлган Европадаги мамлакатлар футбол командаларида ўйнаса ва олқишга сазовор бўлса, ўзбек ишқибозларининг қалби ғурурга тўлар эди. Афсуски, у собиқ Иттифоқ даврига нисбатан ҳам савияси бир неча бор пастлаб кетган Россия чемпионатига қатнашиб арзимас ғалабалардан мамнун бўлиб, дўпписини осмонга отиб юрибди.

У Осиё ўйинларидан кейин, Рустам Акрамовдек, кўплаб журналистларга ўзбек футболига садоқати тўғрисида сўзлаб тинмаган эди. Уни «Спартак»да тузилган шартномагина ушлаб турганини, шартнома тугагач, 1995 йили жондили билан Ўзбекистонга учиб етиб келишини айтган эди. Лекин мавсум тамом бўлса ҳам у ўзини тарбиялаган мураббийлари, ишқибозлари, футбол федерациясининг юзини ерга қаратиб, барчани алдаб, яна «Спартак» билан шартнома тузди. У яна, «мавсум тугагач, қайтаман» деган ваъдаларни бераяпти. Яна эски ҳаммом — эски тос. Инсон, йигит киши, мард футболчи бир сўзли бўлиш керак-ку.

Ҳозир у савияси унча баланд бўлмаган Россия чемпионатида қатнашиб «қаҳрамон» бўлиб юрибди. Уч-тўрт йил ўтади, барибир Ўзбекистонга қайтиб келади. Лекин келажакда уни Россиядагилар эслашармикан? Йўқ эсламайдилар. Улар фақат ўзларидан чиққан футболчиларнигина эслайдилар. Улар бундан миннатдор бўлармикинлар? Йўқ. «Бир ўзбек йигити келиб бизда ўйнаб, тўрва халтасини тўлдириб кетди. Бизнинг у билан орамиз очиқ, энди бошқа енгилтак футболчиларни топишимиз керак» дейдилар. Вақт келса унинг ҳолидан хабар ҳам олишликни ўзларига ор деб биладилар. Чунки ўз миллатини, миллий ғурурини топтаган йигит кимга ҳам керак. У агарда «Спартак»да иши юришса шартномани чўзиб юраверади. Агарда юришмаса, калтак еган жонивордек кўнгли ҳам, жисми ҳам чўлоқ бўлиб қайтади. Ана шу «гастроллари», шартномаси тугагач, у ўз юртига қайси юз билан қайтиб келар экан? Россияга керак бўлмай қолгач, у кимга ҳам керак бўлади?

Она бир қўли билан бешикни, иккинчи қўли билан оламни тебратади. Зеро, фарзандлари бешигини тебратаётган оналар оқ сут бериб эл-юртга меҳрли бўл деб ўстираётган ўғлонлари вақти келиб иймонидан кечиб «пул жигардан» дея ўзга юртларга сотилиб кетади деб ўйламайдилар. Лекин ҳаёт аччиқ ҳақиқати билан баъзан буни кўрсатиб қўяяпти.

Ўзбекистон Қосимовсиз ҳам яшайди, лекин Қосимов Ўзбекистонсиз яшай оларми-кан?!

Ўзбекистон футболи катта ўсиш, юксалиш ҳолатида. Бизнинг футбол жаҳон футболига шердек катта куч билан, виқор билан кириб келди. Ҳозирги ўсиш чоғида, албатта, бизга кучли ўйинчилар керак. Лекин «Мен Ўзбекистонда футболнинг асосий ўсиш даври ўтаётган чоғда Россия чемпиони бўлганман» деб чираниб, ўзини оқламоқчи бўлганларнинг дийдиёсига халқимиз, бўлажак футболчиларимиз қандай кўз билан қарайдилар? Ўзбекистонликлар фақат жаҳоннинг забардаст командаларида ўйнаб Ўзбекистон номини улуғ қилганларни тан оладилар. Иккиламчи командалар йиғинидан иборат чемпионатда қатнашаётганларни эмас. Барча футболчилар учун жаҳон биринчилигида қатнашиш энг катта бахт. Насиб этса ана шундай мусобақаларда қатнашишга ҳам эришармиз. Лекин ана шу чоғда ҳам биз миллий терма командамизга футболимизга садоқат кўрсатганларнигина оламиз.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўз матонатлари, олийжаноб ишларга ихлосмандлиги, буюк садоқати туфайли обрў-эътибор қозонадилар. Одамлар бундай кишиларга ишонадилар. Уларга тақлид қиладилар. Лекин ўз мушаклари, куч-қудрати билан оламни титратиб, олийжанобликлари билан ҳам оламни забт этиб ном қозонадиган шахслар кам бўлади. Мустақил Ўзбекистон номини оламга ёйган баҳодир ўғлонимиз Артур Григорьян номи ана шундай шавкат билан чулғанди. Афсонавий Фарҳодлар, Алпомишлар қилган ишларни ҳозирги кунларда амалга оширган бу ҳамюртимиз жасорати Ўзбекистон тарихига ёзилади. Бу жасорат ўзбекистонликлар қалбига,ғурур бахш этса, ёшларимизга юксак ўрнак вазифасини ўтайди. Яқинда у яна бир юксак ғалабага эришди — профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпионатида шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилди. Бу ютуқ ортида унинг чеккан машаққатлари билан бирга ҳаётда ҳеч бир қийинчиликдан қўрқмай дадил қарорлар қабул қилиш фазилати ҳам ётади. У ўзининг олий мақсади — профессионал боксчилар қироли бўлиш йўлида энг оғир йўлга дадил кирди. Бокс тури кучли бўлган Германияга бориб уч йил давомида катта тайёргарлик кўрди. Биз Гамбургдаги спорт саройи узра Ўзбекистон миллий байроғи кўтарилиб миллий мадҳиямиз янграгунга қадар у босиб ўтган йўл машаққати ҳақида эмас, унинг олийжаноб хислатлари ҳақида сўзламоқчимиз. Финал учрашуви бошланишидан аввал Артур Гамбургдан Германия пойтахти Боннга учиб бориб, Ўзбекистон элчихонасидан миллий байроғимизни бериб туришимизни илтимос қилди. «Мен албатта жаҳон чемпиони бўламан ва Ватаним Ўзбекистон байроғини кўтарилишига эришаман» деб сўз берди. Элчихона ходимлари унга омад тилаб байроғимизни бериб юбордилар.

Финал жанги оғир кечди. Уни барча юртдошларимиз телевидение орқали кўрдилар. Кучли рақиб устидан нокаут билан эришилган ғалаба Ўзбекистоннигина эмас, бутун оламни титратди. Артурга олқишлар ёғилди. Ана шу чоғда бир неча киши унинг кийиниш хонасига кириб «Артур, сен арман миллатидансан. Шу сабабли ҳозир биз сендан ғалабанг эвазига Арманистон байроғини кўтартиришингни илтимос қиламиз ва бунинг учун сенга катта миқдорда Америка долларини таклиф қиламиз» дейдилар. Шунда мард спортчи: «Йўқ, ғалабам шарафига фақат Ўзбекистон байроғини кўтаришлари лозим, чунки менинг Ватаним Ўзбекистондир» деб қатъий жавоб берди. Натижада зал узра Ўзбекистонимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

«Жаноб Григорьян, сиз мана уч йилдан бери Германияда яшаб, шу ерда маҳоратингизни ошириб келаётирсиз. Энди сизда Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиб Германия фуқаролигини қабул қилиш нияти борми?» «Мен немис халқини жуда ҳурмат қиламан, лекин мен ўзбекистонликман ва абадий Ўзбекистон фуқароси бўлиб қоламан» деди Григорьян. Унинг бу ишлари ва берган жавоблари чет элда катта шов-шувга сабаб бўлди. Унинг бундай мардлиги барчага ўрнак бўлиб бу ишидан фарзандлари ҳам, авлодлари ҳам мағрурланиб юражаклар. Акрамов ва Қосимовлар учун у йигитлик дарсини берди.

Зуваласи пок ердан олинган бу йигит ўзини ҳар бир ҳаракати билан барчанинг қалбини қувончларга тўлдирмоқда. У Ўзбекистондаги кўплаб учрашувлар чоғида Ватан байроғини ўпиб кўзга суртишидан барчанинг қалби титрамоқда.

Ўзбекистонда футбол мавсуми очилиш чоғида унга мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳадя қилган тўнни кийдирдилар. Шу кун жуда иссиқ кун бўлган эди. У стадионда мусобақа байроғини кўтариб борган чоғида ҳам, футбол мусобақаси вақтида ҳам офтобнинг қиздиришига қарамай тўнни ечмасди. «Артур, тўнни ечиб қўйгин, терга ботиб кетибсан-ку» дейишларига жавобан ҳар доимдагидек яна қатъий оҳангда «Йўқ, мен бу тўнни ечмайман, уни менга Президентимиз тақдим қилганлар. Гўёки бу тўнни менга бутун ўзбек халқим, ёру дўстларим, ота-онам кийдиргандек яйраб ўтирибман. Бу тўнда мен халқимнинг меҳрига чўлганиб ўтирибман. Шу сабабдан мен яна уч, тўрт марта жаҳон чемпиони бўлишга тайёрман!» деб жавоб берди.

Ўзбекистонимизда турли миллатдаги халқлар яшар эканлар, уларнинг барчаси Ўзбекистонимизни ўз Ватани деб биладилар. Бунинг учун юртимизда пухта замин яратилган. Ана шу заминдан спортимиз ҳам, футболимиз ҳам, турли миллатдаги халқимиз ҳам кудратли куч олиб баркамол бўлиб бораверадилар.

А. АЗИЗХЎЖАЕВ.

«ҲАВАС» –ИБРАТГА ЧОРЛАЙДИ

Мирзажон ИСЛОМОВ, Фарғона вилояти ҳокими:

— Ватанимизда спортни ривожлантириш, спорт иншоотлари барпо этиш борасида кенг ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Спортнинг бошқа турлари билан бирга теннис ҳам кун сайин ривожланиб, мухлислар қалбидан жой оляпти. Зеро, соғлом одамларгина соғлом жамият қуради. Вилоятимизда жаҳон андозаларига жавоб берадиган энг янги техника ва анжомларга эга бўлган «Истиқлол» теннис мажмуасини барпо этдик. Бугунга келиб Қувасой шаҳри ва бошқа шаҳару туманларимизда теннис кортлари қад ростламоқда. Теннис мактаби фаолият кўрсатмоқда. Унда 300 нафарга яқин ёш теннисчи мазкур спорт сирларини ўрганмоқда.

«Ҳавас» турнири ҳам теннисниг янада оммавийлашиб бораётганидан шаҳодат беради. Майдонга тушган ғалаба иштиёқи билан ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам мазкур янгича турнир қизиқарли курашларга бой бўлишига ишонаман.

Ғуломқодир ҲАСАНОВ, Сирдарё вилояти ҳокими:

— Шу кунда вилоят маркази Гулистонда иккита теннис корти ишлаб турибди. Юзлаб ёшлар бу ерда ўз маҳоратини оширмоқда. Мамлакатимизда энг замонавий теннис кортлари қуриш яхши анъанага айланиб қолди. Шу мақсадда биз ҳам усти ёпиқ теннис корти бунёд этяпмиз. «Ҳавас» турнирига келсак, у мазкур спорт турининг янада оммалашишида муҳим аҳамият касб этади.

Фаррух ҲОШИМОВ, Самарқанд шаҳар Сиёб тумани ҳокими:

— Мен ёшлигимдан турли спорт турлари билан шуғулланиб келаман. Кейинги йилларда теннисга қизиқишим ортди. Бунга Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган нуфузли халқаро мусобақалар сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

Мўминжон ҚАЮМОВ, Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари:

— Республикамизда жаҳондаги энг нуфузли спорт тури теннисниг оммалашиб бораётгани қувончлидир. Шу маънода Андижонда уч минг томошабинга мўлжалланган замонавий кортда «Челлежер» туркумидаги мусобақалар ниҳоясига етмоқда. Унда 20 дан зиёд мамлакатдан келган теннисчилар қатнашяпти. Улар биз бунёд этган кортга юқори баҳо бермоқдалар. Бу ишларнинг ҳаммаси юртбошимиз бошлаган хайрли ташаббусларнинг натижаси, деб биламан.

Абдумурод УМРЗОҚОВ, Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари:

— Соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Чунки соғлом халқгина буюк давлат қура олиши мумкин. «Ҳавас»га ўхшаш мусобақалар эса катталарнинг ёшларга ўрнак бўлиши жиҳатидан қимматлидир. Мен бу турнирда иштирок этар эканман, кўпроқ масаланинг ана шу жиҳатига аҳамият бераман.

Алишер ОТАБОЕВ, Фарғона шаҳар ҳокими:

— Илгари Фарғонадаги энг гавжум жой «Нефтчи» футбол жамоамиз ўйнайдиган стадион эди. Ҳозир бундай маскан иккита бўлди: «Истиқлол» теннис мажмуи ҳам қўшилди. Демоқчиманки, бу қизиқарли ўйин энг оммавий спорт турларидан бирига айланиб бормоқда. Биз шаҳримиз кўркига-кўрк қўшадиган ана шундай спорт иншоотлари, турли маданият масканлари қуриш йўлида бор кучғайратимизни аямаймиз. Чунки бу диёримиз шуҳратига-шуҳрат қўшади.

Бахтиёр ҲАМДАМОВ, Навоий шаҳар ҳокими:

— Майдонга тушган ҳар бир спортчи ўз ватани шарафини ҳимоя қилади. Шу маънода спорт кишиларда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялайди десак, ҳато бўлмайди. Ишонаманки, «Ҳавас» турнирида қатнашувчилар баҳоли қудрат ўз қобилиятларини намоён этадилар. Мен ҳам курашдан четда қолмасликка ҳаракат қиламан.

Тоҳиржон ОРИПОВ, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги олий аттестация комиссиясининг раиси:

— Мен теннисга эндигина қадам қўяётганларданман. Бу ўйинга ихлосим ниҳоятда катта. Республикамиз пойтахтида, бошқа шаҳарларда бир-биридан гўзал теннис кортлари қурилганидан хурсандман. Улар менга ўхшаган ихлосмандларнинг спортнинг шу тури билан яқиндан шуғулланиши учун кенг имконият очиб беради. Турнирда албатта майдонга тушаман.

Тоҳир РАҲИМОВ, республика алоқа вазири:

— Мустақиллигимизнинг беш йиллиги арафасида «Ҳавас» теннис турнирининг ўтказилиши рамзий маънога эгадир. У бизни ҳамма жиҳатдан — ҳам жисмонан, ҳам руҳан синовдан ўтказади. Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган бу мусобақа биздан кейинги авлодлар учун ҳам намуна бўлиб қолишига ишонаман. Турнирнинг барча қатнашчиларига омад тилайман.

(ЎзА).

Эҳтиром

«АССАЛОМУ АЛАЙКУМ. ЛАББАЙ...»

Бу муборак каломни ҳар куни, ҳар лаҳза аввало ўзингиз айтасиз, кейин бошқалардан эшитасиз. Кўнглингиз кўтарилади. Юрагингизга илоҳий нурлар киради.

Биласизми, ана шу қутлуғ сўзни бир кунда юз марта эшитгингиз келса, яхшиси, газеталар таҳририятлари жойлашган бинога келинг. Ажабланяпсиз. Йўқ, шошманг. Аввало сизни бир одам билан таништирайлик: Юнус Зиёдов. Ана энди келишдик, «алик»ни канда қилмайсиз. У киши...

Ҳар куни бу қайноқ масканда эртадан то шом қоронғусигача бир инсон тиним билмайди. Кимлигингиз, қайси тилда гаплашишингиз, ёшмисиз-қаримисиз, барибир, ҳаммага кулиб, жилмайиб салом беради. Гоҳо ўзимиз ҳам ҳайрон қоламиз. Сўраймиз: «Ҳозир саломлашдик-ку Юнус ака, бунинг устига нега ҳеч қовоғингиз осилмайди, бу нимадан?» деб. Яна ўша таниш ва майин табассум билан «салом — Худонинг қарзи. Мен ана шу қарзни ҳар қадамда узишим керак» деб кўяди.

Ҳамма ўрганиб қолган. Айниқса, «Ўзбекистон овози»га узоқ-яқиндан келганларнинг кўпчилиги қаерга борсак исмини эслолмаса-да, «ҳалиги доим кулиб юрадиган акахон эсон-омонми?» дея сўрайди.

Ишонаверинг, унинг ҳеч мақтанганини кўрмаганмиз. Нари борса, гоҳо мусаҳҳиҳларга танбеҳ бериб кўяди: «Мен корректорадан биронта хато ўтиб кетса, ўша куни ухламай чиқардим. Сенлар эса...»

Ҳа, Юнус ака салкам қирқ йилдан бери шу газетнинг нонини ейди. «Қизил Ўзбекистон», «Совет Ўзбекистони» бўлиб чиққан маҳаллардаям ҳамманинг кўнглига эш бўлган.

Яна бир гап: Биз ўзимизча ярим ҳазил, ярим чин аралаш «Газетанинг ҳақиқий мудири Юнус ака» деб кўямиз. Сабаби — у ҳаммамизни беш қўлдай билади. Ҳатто ишхонада қанча қалам-ручка борлиги-ю, қайси хонада қандай гул ўсаётганини ва кимнинг қандай юриш-туришигача айтиб беради. Яна бир томони, салкам 80 йиллик тарихни елкасида кўтариб келаётган газетамизнинг энг ноёб қоғоз-ҳужжатларини ҳам у киши кўз қорачиғидай асраб келаётир.

Юнус ака кенг феъл одам. Уйдаям, ишдаям бир хил муомалада, самимий мулоқотда бўлади. «Йўқ» деган сўзни луғатида учратмайсиз. Гоҳо болалардай ҳазил қилиб ёлғон гапириб қўйса, бирдан билиб оламиз.

Кеча кулимсираб, ҳаммамиз билан салом-алик қилгач секингина айтди: «Олтмишга кирибман. Умр бунча тез ўтмаса-я!».

Йўқ, ҳеч ишонгимиз келмади...

Норқобил ЖАЛИЛ.

АЛИ ДИЛ ЛТД

"Ҳаммаси уй-рўзғор учун" туркумидаги жами 150 турдаги хилма-хил товарлар

ФАҚАТ БИЗДА МАВЖУД.

Нархи ҳам бозор нархидан анча арзон.

Товарлар ҳам чакана, ҳам улгуржи нархларда

СОТИЛАДИ

Харид пайтида улгуржи харидорларга имтиёз берилади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳар, Чилонзор мавзеси, 1-даҳа, Ю.Гагарин кўчаси, 65-уй.
"Чилонзор" савдо маркази рўпарасида.

Маълумот учун телефонлар:
77-50-27, 77-58-04.

АЛИ ДИЛ ЛТД ФИРМАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

SÜNDÜS

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

бош ҳисобчи ва ҳисобчи лавозимларига танлов асосида тажрибали бухгалтерларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 55-уй.
Мурожаат учун телефонлар:
45-62-50, 45-73-25.
Мўлжал: "Бешёғоч" бозори ёнида.

"ЎЗБЕКДАВЦИРКИ" БИРЛАШМАСИ
ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ
НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
(Хадра майдони)

ТОМОШАЛАРДА ЎРГАТИЛГАН ТУЯЛАР, КУЧУКЛАР, БАҲАЙБАТ ИЛОНЛАР ВА БОШҚА ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОКИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ЎЙИНЛАР ТОМОШАБИНЛАРГА ЗАВҚ-ШАВҚ БАҒИШЛАЙДИ.

Томоша икки бўлимли, катта ва ранг-баранг дастурдан иборат.

Томошалар **9-10-11 май соат 12.00 ва 15.00да** намойиш этилади.

Жамоа бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қилинмоқда

КАССА СОАТ
10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ТЕЛЕФОНЛАР: 44-35-91, 44-29-04.

1984 йилда ТошДУ юридик факультетини битирган ҳамкасблар диққатига!

1996 йил 8 май қуни курсдошларнинг анъанавий навбатдаги учрашуви доимий жойда — «УЮЛЮК» кафеси, Юридик институтининг ёнида соат 18.00 да бўлади. Учрашувда қатнашиш мажбурий.

Ташкилий қўмита.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 12-серия.
9.00 «Қишлоқ тадбиркорлари». Имконият излаб.
9.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Вайжантимала.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фермер». Тележурнал.
10.35 «Ёдингиздами?». Кинодастур.
11.10 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
12.05 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хор жамоаси концерти.
12.35 «Метичара денгиз жонивори». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ҳумо». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.10 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Туркистон — умумий уйимиз».
21.30 «Ҳофизлар хониш қилганда». Мусиқий дастур.
21.55 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг курсатувлари. Экранда — Сурхондарё вилояти.
22.25 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 1-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.25"Пойтахт концерт залларида».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ 2 намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ 2 намойиш этади.
21.10 «Уфқлар».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 — 24.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Бир том остида». Мультфильм.

*

Россия жамоат телевиденеиси
18.15 — 20.40

*

20.40 «Болеро». Телефильм.
20.55 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.45 Эълонлар.
21.50 «Тоғ наволари». Телефильм.

*

Россия давлат телевиденеиси
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 — 22.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Кузмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 «5+1».
20.10 Эълонлар.
20.15 «Мусиқий Ўзбекистон».
20.45 «Спорт-тайм».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Кинематограф».
22.10 Эълонлар.
22.15 «Чинор».
22.55 «Мардона йигитлар».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 1-қисм.
9.40 «Рақслар гулдастаси».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Биржа ва банк хабарлари.
10.20 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Сайил».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.

*

12.00 «Бешинчи давон». Видеоканал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Гиёҳвандлик — аср муаммоси».
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Кеча ва бугун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳамкорлик ришталари».
21.35 Дам олиш концерти.
22.25 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 2-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.30 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.15 «Блиц». Фототанлов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» тақдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.25 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Зардўз». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденеиси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.40

*

20.40 «Аравона — туркман туяси». Телефильм.
21.00 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.50 «Бу ажиб дунё».
22.10 «А. Навоий». Телефильм.

*

Россия давлат телевиденеиси
23.05 — 23.35

*

23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Иқтисодиёт таянчи». Картошка етиштириш муаммолари. ҳақида.
19.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Ворлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.30 Америка бизнесининг тарихи. «Банк иши». 2-кўрсатув.
22.00 «Замин саҳовати».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Кўнгилнинг етти кўзи».
23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 2-қисм.
9.30 «Оналар мактаби». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фармон ва ижро».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 Ассалом, япон тили!

*

11.40 Болалар учун. «Қувноқлар давраси-да».
12.10 «Тақдир». Публицистик кўрсатув.
12.50 «Мария, Мирабелла Транзисториясда». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Компьютер сабоқлари».
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Замин фидойилари. «Форишда бўлганмисиз?»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Маърифатнома». Зиёратлари қабул бўлсин!
21.40 Мумтоз мусиқа кечаси.
22.25 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 3-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.45 «Кино, кино, кино».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ 2 намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!»
19.05 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сири».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Баҳор лавҳалари». Манзарали телефильм.

*

Россия жамоат телевиденеиси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.40

*

20.40 «Горец-2». Бадиий фильм.

*

Россия давлат телевиденеиси
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 — 22.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Шифокор билан мулоқот».
19.35 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Таширфлар ва таклифлар».
20.40 «Тошкент оқшомида».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Кинематограф».
22.35 «Бу бустон аро...»
23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 3-қисм.
9.40 «Само лочини». Телеочерк.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
10.20 «Мактабимиз — фахримиз».
10.50 Ўзбекистон Республика Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари қошидаги намунали оркестрнинг концерти.
11.20 «Вақт хиёбонида». Публицистик курсатув.
12.00 Болалар учун. «Қутлов».
12.30 Футбол бўйича Осиё кубогининг саралаш учрашуви. Тожикистон — Ўзбекистон миллий терма командалари.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бу дамлар ўхшар эртакка».
18.40 «Шеърият».
18.55 А. Содиқов. «Мулқдор». Телеочерк.
19.25 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Юзма-юз».Мулоқот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Шу кунларга шукрона айтиб...» Публицистик кўрсатув.
21.35 Бокс бўйича профессионаллар ўртасида жаҳон чемпионати. Финал.
22.25 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 4-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.20 «Қўшиқ сеҳри». Маданият Ҳошимова.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фармед».
20.10 «Сизнинг услуб».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Автосалон».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.15 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Билдирсой», «Мискар». Телефильмлар.

*

Россия жамоат телевиденеиси

7.00 — 9.05 «Телетонг».

* * *

18.20 — 20.40

*

20.40 «Кафтдаги оркестр», «Ойдарани тарк этувчилар». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевиденеиси
21.00 — 21.30

*

21.30 «Мустаҳкам лабиринт». Бадиий фильм.
23.00 Эълонлар.
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.25 «Каталог».
20.35 «Эллада».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
22.05 Эълонлар.
22.10 «Компьютер-ревю».
22.35 «Рақслар қанотида».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

ЖУМА,10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 4-қисм.
9.30 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Дамаччи ҳазиналари».
9.40 «Юзма-юз». Мулоқот.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мен туғилган тупроқ». Телеочерк.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Математика.
11.00 Немис тили.
11.30 Физика.

*

12.00 Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари. «Ютуқлар ва муаммолар».
12.30 Футбол майдонларида.
13.00 «Созимиз — овозимиз». Маҳаммаджон Шокиров.
13.30 «Аждодларимиз мероси». Публицистик кўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Усмирлар учун. «Улғайиш поғоналари».
18.40 «Автоолам». Телелавҳа.
18.55 «Ислоҳот ва масъулият». Хоразм вилояти пахта тозалаш корхоналари фаолиятидан.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ҳаёт ва қонун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дивримсан». Ганижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
21.35 «Ишингиз бароридан келсин!»
22.20 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 5-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.25 Орзиқул Эргашев. «Армонли эртак». Теленовелла.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртак».
18.35 «Жума тақвими».
18.40 «Юлдузлар».
19.10 «Блиц». Фототанлов.
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» тақдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Эртага—шанба».
21.25 «Мафтункор чехралар».
21.50 «Таманно».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Гилон». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденеиси

7.45 — 9.00 «Телетонг».

* * *

18.05 — 20.45

*

20.45 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.

*

Россия давлат телевиденеиси
21.00 — 21.30

*

21.30 «Эдгар ва Кристина». Бадиий фильм.
23.00 Эълонлар.
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Экология ва ҳаёт».
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Рангинкамон» (тожик тилида).
20.40 «Утмишсиз келажак йўқ».
21.10 «Бизнес-академия».
21.35 Эълонлар.
21.40 «Жаҳон опера саҳна санъати». Адҳам Холиқов.
22.10 «Монитор-Осиё». Тележурнал.
22.50 Эълонлар.
22.55 «Чинсэн».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 5-қисм.
9.45 «Ишингиз бароридан келсин!»
10.30 Болалар учун. «LEGO» сайёраси».
10.55 «Қушиқларда изладим бахтни». Иброҳим Жиянов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар.
11.35 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўгитлари».
12.05 Орзиқул Эргашев. «Армонли эртак». Теленовелла.
12.35 «Кичкинтой» устахонаси.
13.05 — 14.35 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Орзуларим бир дунё».
18.40 «Санъат олами».
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 13-серия.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Қўшиқлар кўрик-танлови.
22.00 «Оламда бир олам гап».
22.15 Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига. «Мен яшашни истайман». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.05 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.05 «Ҳайвонот оламининг сири».
10.55 «Сизнинг услуб».
11.10 «Автосалон».
11.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
12.10 «Кинонигоҳ».
13.50 — 14.50 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Совға».
18.20 «Фармед».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мактуб».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик дастури.
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео —«О».

III

16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевиденеиси
17.00 — 21.50

*

21.50 «Жонли сайёра».
22.10 «Галерея бўйлаб». Телефильм.

*

Россия давлат телевиденеиси
22.20 — 00.15

*

00.15 Эълонлар.
00.20 — 00.30 «Оддий кун». Телефильм.

IV

10.00 Болалар учун фильм. «Арслоннинг саргузаштлари». 1-серия.
11.05 Эълонлар.
11.10 «Безнен мирас» (татар тилида).
11.50 «Ўй остонадан бошланади» (такрор.).
12.30 «Айчурек» (қирғиз тилида).
13.10 — 13.50 «Жараён». Публицистик кўрсатув.

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.05 «Телеташриф».
19.20 «Салом, Франция!».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Бугунги Европа».
21.05 Кинонинг олтин асри. «Граф Монте Кристо». Бадиий фильм. 1-серия.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Олам ва одам».
23.20 «Бу ажиб дунё».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 13-серия
11.30 «Шохрух» клуби.
12.00 «Талабалар саҳнасида». Бўлажак шифокорлар беллашуви.
12.40 «Аёл борки, олам мунаввар». Публицистик кўрсатув.
13.15 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.55 — 15.35 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Сергайрат кампир». Мультфильм.
18.10 «Синфдош». Тележурнал.
18.45 «Турон тулпорлари». Спорт дастури.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бухоронинг 2500 йиллигига. «Обидалар — руҳият рамзи». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 14-серия.
21.35 Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировнинг юбилей кечаси. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
23.05 «Ҳангома». Юмористик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 — 00.30 «Адашлар». Кинокўрсатув.

II

9.00 «Эртак».
9.20 «Блиц». Фототанлов.
9.30 «PAKS» тақдим этади.
10.00 «Ривоят».
10.10 «Мафтункор чехралар».
10.35 «Таманно».
10.45 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (МАР).
11.40 «Мактуб».
11.50 «Имкон чўққилари».
12.10 «Кўнгил».
12.40 Видео янгиликлари.
13.00 Видео — «О».
14.40 — 15.40 «Спорт қитъаси».

***

17.30 «Келгуси ҳафтада».
17.40 Эълонлар.
17.50 «LEGO» сайёраси».
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (МАР).
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шахс ва баҳс».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Футбол олами.
21.35 «Илҳом сатрлари».
21.40 «Фармед»
21.50 «Келгуси ҳафтада».
22.00 «Даракчи».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 — 00.25 Видео — «О».

III

17.40 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевиденеиси
17.50 — 22.50

*

22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.20 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 Эълонлар.
12.15 «Парле ву франсэ». Француз тили ҳамма учун.
12.45 «Жонли сайёра».
13.05 — 13.35 «Савол-жавоб». Хотин-қизлар учун дастур.

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.05 «Учқун».
19.35 «Сенинг вақтинг». Ёшлар учун дастур.
20.05 Эълонлар.
20.10 «Миср: кеча ва бугун». 9-кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
20.00 Кинонинг олтин асри. «Граф Монте Кристо». Бадиий фильм. 2-серия.
22.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.00 «Бу ажиб дунё».
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи О.БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 31847 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0242

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА